

Хусайннинг отаси Гиёсиддин Мансур 1445 йилда вафот этгач, Хусайн 14 ёшигача мактабда таълим олади ва шу мактабда ёш Алишер билан дўстлашади. Тарихий манбалардан шу нарса муълумки, Султон Хусайн Бойкаро Темурий шахзодалар орасида жасоратли, мард, одил ва тадбиркор салтанат сохиби бўлган.

Султон Хусайн Амир Темурнинг эвараси бўлиб, 1438 йил июль (хижрий 842 йил, мухаррам) ойида Хиротнинг шарки-шимолидаги Давлатхона саройида дунёга келган. Унинг отаси Гиёсиддин Мансур Бойкоро Мирзонинг учинчи ўгли эди. Бойкоро Мирзонинг отаси эса Амир Темурнинг иккинчи ўгли Умар Шайх (1356-1394), онаси Феруза бегим эса ота томонидан Амир Темурнинг катта кизи Ўги Беги хонимнинг ўгли Султон Хусайн Мирзонинг кизи бўлиб, Феруза бегимнинг онаси Кутлуг Султон бегим эса Амир Темурнинг учинчи ўгли Мироншоҳ Мирзонинг (1366-1408) кизи эди. Дархакикат, Хусайн Бойкоро Захириддин Мухаммад Бобур таърифлаганидек, "Карим ут-тарафайн", яъни ҳар икки томондан ҳам насаби Амир Темур Кўрагонга бориб туташади.

1452 йилда ёш Хусайн Хирот хукмдори Абулкосим Бобур саройига хизматга киради. 1457 йили Абулкосим Бобур вафотидан сўнг, Хусайн Мирзо саройни тарк этиб, Марв хукмдори Санжар Мирзо Марвий саройига хизматга ўтгач, хукмдор ўз кизи - 15 ёшли Бека Султонни унга никохлаб беради. Бирок, кайната билан куёв ўртасига совукчилик тушиб, саройдан кетишга мажбур бўлади. Шундан сўнг Хусайн Мирзо ўн йилдан кўпроқ вақт давомида Хоразм, Хуросон, Астробод, Мозандарон ва Журжон оралигида саргардонликда умр кечирди. Бу давр мобайнида Темурий шахзодаларнинг тожу-тахт учун олиб борган ўзаро урушларида Хусайн Мирзо ҳам фаол катнашиб, Хирот хукмдори Султон Абусайид Мирзо (1424-1469) халокатидан сўнг, 1469 йил 24 март, жума куни Хусайн Мирзо тантана билан Хиротга кириб келди ва ўша куни Жомеъ масжидида унинг номига хутба ўқилди.

Хусайн Бойкаро Темурий хукмронлик қилган даврда Хуросон фукаролари бирмунча осойишта ва фаровон ҳаёт кечирган. Айниқса, унинг вазири Алишер Навоийнинг саъй-харакатлари натижаси ўларок, мамлакатда йирик сув иншоотлари, маъмурий ва маданий қурилишлар, Мадраса, масжид, қарвонсарой, раҳбатлар, кўприклар ва шу каби қурилиш ишлари кенг кўламда олиб борилган. Шу боис Султон Хусайн Бойкоронинг хукмронлик даврида Хирот фан ва маданият марказига айланган эди. Бу даврда илму фаннинг барча жабхаларида қалам тебратган билимдон олимлар, сўз усталари, адиблар, шоирлар, мусикашунослар, хунарманд наққошлар ва мусаввирлар Хиротнинг доврғини жаҳонга машхур қилганлар.

Султон Хусайн Бойкоро Хуросон музофотида, айниқса, Хиротда диний ва маданий-маиший биноларни кўплаб қурдирди. Бу қурилишларнинг асосий мутасаддийси сифатида Алишер Навоийни кўрсатиш жоиздир. Шунингдек, шаҳаншоҳнинг яқин қишилари ҳамда бек ва амирлари ўз номларини абадийлаштириш мақсадида масжид, Мадраса, раҳбат, кўприк, хаммом ва шунга ўхшаш қурилишлар билан шаҳар кўркини янада жиллантирганлар. Чунончи, Султон Хусайн Бойкаро Гозургоҳ яқинида ўз номига Мадраса, Хирот ташқарисида "БОГИ байт ул-имон" ва " БОГИ Хамса оройи" боғларини

барпо этган. Султон Бадиуззамон Мирзо номи билан аталувчи "Мадрасайи Бадиъа" хам Султон Хусайн Бойкоро даврининг улкан обидаларидан биридир. Бу даврда таъмирланган Жомеъ масжиди улкан бинолардан бўлиб, 403 гумбази, 130 равоки ва 44 устуни бўлган.

Шунингдек, Алишер Навоий хам ўз хисобидан бир неча мада-ний-маиший бинолар, чунончи "Сафоия" номли хаммом ва "Шифоия" номли касалхона курдирган.

Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, Хуросонда киркка якин йи-рик иншоотлар Султон Хусайн Бойкоро даврида вужудга келган ва Хиротга атроф-теваракдан олимлар, шоирлар, адиблар, рассомлар, хаттотлар, мусикачилар ва бошка хар хил хунар ахллари кириб кела бошлаган. Жумладан, ўша даврда табиб Хусайн Жаррох ичакни кесиб даволашда чумолидан фойдаланиш усулини ихтиро килган. Устод Саййид Ахмад гижжак, Устод Шодкули гижжак, Устод Кул Мухаммад удий, Устод Хусайн удий, Устод Шайх Фоний ноилар Хуросонда ном чикарган етук мусикашунос алломалардан бўлган. Наккошлик ва хаттотлик соҳасида Хожа Мирак наккош, Мавлоно Хожа Мухаммад наккош ва буюк истеъдод соҳиби Устод Камолиддин Бехзодлар ўз махоратлари билан Хуросон фахри хисобланган.

Захириддин Мухаммад Бобур Хусайн Бойкоро замонидаги олим-лар, фозил ва шоирлар хакида гапириб, уларнинг хаммасини саромади Мавлоно Абдурахмон Жомий, шунингдек, Шайхим Судайлий, Хусайн Али Туфайлий, Осафий, Биноий, Сайфи Бухорий, Мир Хусайн Муаммой, Мулло Мухаммад Бадахший, Юсуф Бадиий, Охий, Шох Хусайн Коший, Хилолий Ахлий, Мухаммад Солих ва бошқалар хакида кискача тўхталиб ўтади.

Алишер Навоийнинг таъкидлашича эса Хусайн Бойкоро кадимги турк тилининг такдирига бефарк бўлмай, унинг ривожини учун катор чора-тадбирларни амалга оширган. Ўша давр адабий мухитининг баъзи бир "муътабар" намояндалари назарида турк тили тахкирланиб, мазкур тилда ижод этиш, ижодкорнинг истеъдодсизлигини билдирувчи нуксонлардан бири деб хисобланган. Бинобарин, араб ва форс тилларига эътибор берилиб, турк тили камситилган. Ана шундай шароитда Хусайн Бойкоро ёзувда турк тилини истеъмолга киритиш борасида махсус фармон берган. Бу дадил кадам мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий хаётида катта воқеа бўлгани шубҳасиз.

Хусайн Бойкоро форс ва туркий тилларида газал битиш иктидорига эга бўлса-да, асосан турк тилида "Хусайний" тахаллуси билан ижод этган. Унинг таъби назми хакида Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" асарида шундай ёзади: "Ул хазратнинг хўб ашъори ва Маргуб абёти багоят кўпдур ва девон хам мураттаб бўлубтур".

Султон Хусайн Бойкаро Хуросон худудини ички ва ташқи душмандан тозалагач, бегамликка, айшу-ишратга берилади. Хукмдорнинг сўнгги йиллари мамлакат ичида вужудга келган исёнларни бостириш билан ўтади. Бу исёнлар ўз ўгиллари тарафидан мулк таллашиб, кўтарилган низо ва можаролардан иборат эди. Аммо шунга карамай, у кўлидан келганича мамлакатда адолат ва осойишталикни, илм-маърифат ва маданиятни раванг топтиришга харакат килган.

Хусайн Бойкаро (1438-1506)

Муаллиф:

06.06.2013 22:22 -

1506 йил бахорида Султон Хусайн Бойкаро хасталигига карамай Хуросон кўшинини йигиб, Мухаммад Шайбонийхонга қарши Мовароуннахр худудига қараб йўл олади. Шаханшоҳ Бобо Илохий мавзеига етганда, ахволи огирлашиб, кўшинни тўхтатишга қарор қилади. 1506 йил 5 май, душанба куни кечкурун салтанат соҳиби Абулғозий Султон Хусайн Мирзо Бойкоро сактаи қалб (апоплексия) касали билан 69 ёшида оламдан ўтади.